

ҚУРЪОНДА БАЁН УСЛУБИ

МЕТОД ПОВЕСТВОВАНИЯ В КОРАНЕ

THE METHOD OF REPORTING IN QUR'AN

Калит сўзлар: Қуръон, манба, баён, услуб, сура, оят, масал, маккий, маданий, мухтасар.

Ключевые слова: Коран, источник, изложение, метод, сура, аят, изречение, маккий, маданий, краткий.

Key words: Qur'an, source, explanation, style, surah, verse, aphorism, Meccian, Medinian, concise.

Қуръон ислом динининг асосий манбаси бўлиб, ақида, шариат қонун-қоидалари, тарихий қиссалар, одоб-ахлоқ масалалари акс этган китобдир. У кейинги даврларда ислом динига оид турли илм ва фан йўналишларининг ажралиб чиқишига ижобий таъсир кўрсатган. Қуръонда ифода ва баён услуби ўзига хос бўлиб, бошқа китоблардан ажралиб туради. Унда услуб мухтасар баён этиш орқали кўплаб маъноларни қамраб олиш, сўзларнинг танланиши, жумлаларнинг тузилишидаги гўзалликларни зикр этиш мумкин.

Қуръонда қўлланилган ўзига хос услублар бир нечта йўналишни қамраб олади. Жумладан, оят ёки сўз бир-бирига қарама-қарши бўлмаган икки ёки ундан ортиқ маъноларни келтириб чиқариши мумкин. Яна бир мавзу остидаги оятларнинг бир жойда жамланмаслиги Қуръоннинг асосий хусусиятларидан бўлиб, улар Қуръоннинг турли ўринларида зикр этилади. Яъни шунга кўра Қуръоннинг барчаси бир сурага ўхшайди. Чунки бир ўринда келган маълумот, ҳукм, хабар бошқа ўринда кенгроқ тушунтирилади, ёки бир ўриндаги хабарнинг бошқа ўринда тафсилоти келади. Бир ўринда бутун бир хабар, ҳукмнинг бир қисми келса, бошқа ўринда бошқа жиҳати баён этилади. Бир ўринда кенг қамровли ҳукм, маъно ва мазмун келиб чиқса, бошқа ўринда чегараланади, истиснолар қилинади. Бу эса, ўқувчини бир масалани тўлиқ ўрганиб, кейин хулоса чиқаришга етаклайди. Бир хил мавзудаги бир ёки ундан ортиқ жумла ва оятларнинг Қуръоннинг турли ўринларида такрорланиши қандай муносабат билан ушбу жумлалар келганига қараб шарҳланади. Шунда такрорланишдаги хусусиятлар ҳам юзага чиқади. Шунингдек, Қуръон услубларидан бири яхшилиқ

ва ёмонликнинг доимо биргаликда, бир оятда ёки бир ўринда, оятлар мажмуасида зикр этилишидир. Қуръоннинг алоҳида хусусиятларидан бири ғайб ҳақидаги хабарларнинг келиши бўлиб, улар Аллоҳ, фаришталар, жаннат ва дўзах каби ўлимдан кейинги ҳаёт тавсифлари бўйича мавзулар ўз ичига олади ҳамда кишилар ушбу хабарларга имон келтиришга чақирилади.

Қуръонда жумлалар, гап бўлакларини тушириб қолдириш услубидан кенг фойдаланилган. Яъни унда эга, кесим, ҳол, тўлдирувчи кабилар тушириб қолдирилиб, маъно ва мурод етказиб берилади. Бунинг сабаби асосан балоғат ва фасоҳат юзасидан бўлиб, гап бўлакларидан бири тушириб қолдирилганда, қўшимча маъноларнинг юзага келиши мумкинлиги, ёки каломда мухтасар ифода билан кенгроқ маъноларни қамрашга қаратилгани муфассирлар томонидан зикр этилган. Бу услуб асосида Қуръонда бир жумла билан бир-бирига яқин маъноларни ҳосил қилиш имкони ҳам, ёки муфассирлар мухтасар, гапдан кенг маъноларни чиқаришлари учун изланиш имконияти пайдо қилинади. Гап бўлакларидан эганинг тушириб қолдирилишига мисол:

«(У) машриқ ва мағрибнинг Парвардигоридир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Бас, Унигина вакил (ҳимоячи) қилиб олинг!» (Муззаммил, 9). Яъни ушбу оятга кўра «(У) машриқ ва мағрибнинг Раббисидир...» тарзида бўлиб, «У» (эга) тушириб қолдирилган. Яъни маънони янада бойроқ қилиш имконияти юзасидан тушириб қолдирилгани олимлар томонидан зикр этилган. «У машриқ ва мағриб Раббисидир», деб ҳам шарҳлаш мумкин бўлади ёки олдинги оятдаги «Рабб» сўзига бадал (изоҳлаш, аниқ тарзда билдириш) тарзида, уни васф қилиб тушунтириб бериш учун «У» тушириб қолдирилади ҳамда шарҳи «Машриқ ва мағриб Раббиси бўлмиш Раббингни зикр эт...» тарзида бўлади [4:55–57]. Шу каби эга тушириб қолдирилганда, маъно янада бойитилиши мумкин бўлади. Гап бўлакларидан ҳолнинг тушириб қолдирилишига мисол:

«Сўнгра уларнинг ҳузурларига ҳар (бир) эшикдан фаришталар кириб (дерлар): «(Аллоҳ йўлида турли машаққатларга) сабр қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу ерда) сизларга тинчлик бўлғай. Дунё оқибати (жаннат) нақадар яхши!» (Раъд, 23–24). Яъни оятга кўра уларнинг ҳузурларига фаришталар барча эшиклардан «сизларга сабр қилганингиз учун салом бўлсин»

деган ҳолларида кириб келадилар. Бу ерда «деган ҳолларида» сўзи, яъни гап бўлакларида ҳол мухтасар ифода юзасидан тушириб қолдирилган. Кесим тушириб қолдирилишига мисол:

«Ахир (қилган) ёмон иши ўзига чиройли кўрсатилиб, уни гўзал (иш) деб ўйлаган кимса (ҳидоят топган зот каби бўлармиди)?! Зотан, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсаларни йўлдан оздирур ва Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Бас, (эй Муҳаммад!) Уларга ҳасратлар чекиб жонингиз (чиқиб) кетмасин. Албатта, Аллоҳ уларнинг қилаётган сир-синоатларини билувчидир» (Фотир, 8).

Замахшарий шарҳлашича, «шу икки тоифадан ёмон амали чиройли қилиб кўрсатилган киши ёмон амали чиройли қилиб кўрсатилмаган кишидек бўладими?», тарзида, яъни «ёмон амали чиройли қилиб кўрсатилмаган кишидек бўладими» кесим жумла тушириб қолдирилган. Шу билан бирга бошқача шарҳ берилган ўринлар ҳам мавжуд. Унга кўра «ёмон амали чиройли қилиб кўрсатиб қўйилган киши ҳидоят қилинган киши билан тенг бўладими?» тарзида бўлиб, бунда кесим «ҳидоят қилинган кишидек бўладими» жумласи бўлади. Ҳамда бу ҳолатда оятдаги «Аллоҳ хоҳлаган одамни йўлдан адаштирур, хоҳлаганини ҳидоят қилур» сўзига ҳам мувофиқ бўлади. Яъни муфассирлар оятга мос тарзда кесимни турлича белгилашлари мумкин.

Шу билан бирга, Қуръонда ишлатиладиган услублардан бири хабар давомида жумлаларни тушириб қолдириш бўлиб, лекин бунда кетма-кетлик асосида кишининг тушуниб олишига имкон қолдирилади. Яъни ушбу жумлаларнинг тушириб қолдирилиши кўп гапни мухтасар қилиш юзасидан бўлади. Жумладан, ушбу ҳолат кўпроқ Қуръон қиссаларида учрайди:

«Икки (маҳбуслар)дан озод бўлгани (соқий) бир қанча муддат (етти йил) ўтгач, (Юсуфни) эслаб деди: «Унинг таъбирини мен айтиб берурман. Мени (Юсуф ҳузурига) юборингиз!» (У бориб деди): «Юсуф! Эй, ростгўй одам! Бизга еттита озгин сигир еттита семиз сигирни егани ҳамда еттита яшил бошоқ билан бирга турган бошқа (етти) қуруқлари тўғрисидаги (туш) фатвоси (таъбири)ни айтиб бергин. Шояд, одамлар олдиға борганимда зора улар ҳам (буни) билиб олишса». (Юсуф) айтди: «Одатларингиз бўйича етти йил зироат қилаверасиз. Олган ҳосилингизни (омборда) бошоғи билан қолдирингиз. Фақат озгина ўзингиз

Қуръон ислом динининг асосий манбаси ҳисобланиб, ақида, шариат ҳукмлари, тарихий қиссалар ҳамда одоб-ахлоққа оид муҳим маълумотлар беради. Қуръоннинг баён услуби алоҳида ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ушбу мақолада мана шу ўзига хосликлар оятлардан келтирилган мисоллар орқали ёритиб берилган. Мақолада Қуръонда ишлатилган турли баён услублари ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Коран является главным источником ислама и предоставляет важную информацию о вероисповедании, правилах шариата, исторических рассказах и нравственности. В статье описаны особенности метода повествования Корана основываясь на аятах. Кроме этого в статье освещены подробные информации о различных методах повествования, используемых в Коране.

Qur'an is considered as the most important source of Islam and it gives full information about Muslim belief, the rules of shari'a, historical events and morals. The explanation method of Qur'an has special characters that differ from other books and these characters were explained through the examples from the verses of Qur'an in this paper. The paper gives information about the explanation styles that used in Qur'an as well.

ейдиганингизни (янчиб олингиз!). Сўнгра, ундан кейин қаттиқ етти (йил) келади ва шу (қаҳатчилик йил)лар учун ғамлаб қўйган захирангизни еб кетади. Фақат озгина асраб қўйганингиздан (қолур). Сўнгра, ундан кейин бир йил келиб, одамлар унда ёмғирга сероб бўлурлар ва унда (мевалардан) шарбат олурлар». Шоҳ (бу жавобларни эшитиб): «Уни ҳузуримга олиб келингиз!» деди. Чопар унинг олдиға келгач, у (Юсуф) деди: «Хожанг ҳузурига қайтиб боргин-да, ундан қўлларини кесиб олган аёллар иши нима бўлганини сўра! Албатта, Раббим уларнинг макрларини билувчидир» (Юсуф, 45–50).

Ушбу оятлар мажмуасида бир нечта ўринда жумлалар тушириб қолдирилган. Улар тўрт ўринни ташкил қилади: 1) нажот топган икки йигитдан бири «Мени унинг олдиға юборинглар» деганда аслида оят сиёқида қуйидаги маъно келиб чиқади: «Мени Юсуфнинг олдиға юборинглар», деганда, улар унинг сўзини қабул этиб, уни Юсуфнинг олдиға юбордилар. У йигит Юсуфнинг олдиға келиб деди... (Шу ўринда оятнинг давомидаги жумлалар келади); 2) Юсуф унга тушнинг таъбирини айтгандан кейинги ҳолатда жумланинг тақдири: «У йигит подшоҳ ва аёнларнинг олдиларига қайтиб, Юсуф айтган таъбирни етказди» [3:165–170].

Яъни ушбу ўрин кетма-кетликка мос келади ҳамда ушбу жумла тушириб қолдирилган; 3) подшоҳ Юсуфни олиб келишларини сўраганида оятнинг тақдири: «Юсуфни подшоҳ ҳузурига олиб келиш учун унинг олдига одам юбордилар, чопар етиб келиб, олиб кетишга келганини билдиради» тарзида бўлади, шунда оятга мувофиқ тарзда унинг давоми «Юсуф чопарга деди: «Подшоҳ ҳузурига қайт ва ...»; 4) чопар подшоҳ ҳузурига қайтиб бориб, Юсуфнинг сўзларини етказди. Яъни оятнинг тақдири: «Чопар подшоҳга хабарни етказганида, у «қўлларини кесган аёлларни чақиртириб келиб, уларга...», тарзида бўлади ва давоми оятда келишича «деди: Юсуфни йўлдан урмоқчи бўлганингизда нима бўлган эди». Тўлдирувчи тушириб қолдирилишига мисол:

«Қасамд этурман чошгоҳ вақти билан ва (ўз зулмати билан атрофни) қоплаб турган тун биланки, (эй Муҳаммад!) Раббингиз Сиздан воз кечгани ҳам йўқ, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқ!» (Зуҳро, 1–3).

Бу ўринда «коф» замир ҳарфи (бу ерда маъноси «сизни») тушириб қолдирилган. Яъни «сизни Аллоҳ тарк этмаган» маъносида. Демак, тўлдирувчи вазифасини бажарувчи «коф» ҳарфи тушириб қолдирилиб, «алиф» билан якунланиб, фосилага (сажъга) риоя этилган, чунки олдинги оятлар «алиф» билан тугаган. Кўриниб турганидек, юқоридаги ҳолатларда жумлалар мухтасарлик юзасидан тушириб қолдирилиб, лекин ўқувчи учун қийинчиликсиз маъно ва мазмунни ҳосил қилиш учун имконият яратилади. Сажъ ва фосила услуби. Қуръонда сажъ услуби қўлланиб, араб шеърларидан фарқ қилади. «Сажъ» бу икки фосила (оятдаги охириги сўзлар)нинг охириги ҳарфларининг бир-бирига қофиядош бўлишидир. Яъни икки фосиланинг кетма-кет бир ҳарфда мувофиқ келишидир. Яна унга шеър бўлмаган жумланинг бир-бирига қофияли бўлишидир, деб ҳам таъриф берилган. «Фосила» эса, оятдаги (ёки жумладаги) охириги сўздир [2:75-78]. У олдинги ва кейинги гап ва хабарлар орасини ажратгани учун «фосила» деб аталган ҳамда у гап ё хабарни тўхтатиб, жумлани чиройли қилиш учун ишлатилади. Унинг қофияли бўлиши шарт бўлмайди. Қуръон қофияли сажъ услубида бўлиб, оятлар охирида қўлланади. Умуман, ислом олимлари орасида Қуръоннинг сажъ услубида битилгани, ёки бу услубни унга мансуб қилиш мумкин эмаслиги борасида ихтилоф мавжуд. Ушбу ихтилоф Муҳаммад (с.а.в.)нинг «коҳинлар сажъидекми», деб бир киши гапини

қофияга солганида танқид қилган гапларидан келиб чиққан. Яъни бунга кўра жоҳилият давридагидек сажъ қилган киши танқид қилинган. Ушбу ҳадисда умуман сажъ танқид қилинмаган. Лекин ушбу ҳадисдан келиб чиқиб, айрим олимлар Қуръонда сажъ ишлатилганига эҳтиёткорлик билан қараб, уни Қуръонда қўлланганлигини инкор этганлар. Ашъарийлик ақидаси имоми Абул Ҳасан Ашъарий ушбу қарашни қўллаб-қувватлаган ҳамда ашъарийлик намояндалари «сажъ» маънони ўзига тобе қилиб, «фосила» эса, маънога тобе бўлади, деганлар. Шунга кўра «сажъ» Қуръонда бўлиши мумкин эмас, чунки фақат қофияни келтириш ва бунда маънони эътиборга олмасликнинг Қуръонда бўлишини рад этганлар. Бошқалар эса, Қуръонда сажъ услуби қўлланганини инкор этмаганлар, буни адабий ва шеърий услуб сифатида эътиборга олиб, Қуръонда ушбу услуб қўлланганини ҳамда Қуръонда маъно ҳам, қофия ҳам бирдек ишлатилган, яъни унда маъно сажъ ва қофияга тобе бўлмаган, деб таъкидлаганлар. Масалан, юқорида зикр этилган оятда сажъ услубига риоя этилганини соҳа олимлари зикр этганлар:

Бу ўринда «коф» замир ҳарфи («сизни Аллоҳ тарк этмаган» маъносида) тушириб қолдирилиб, олдинги оятларга мувофиқ тарзда «алиф» билан якунланган, бу билан сажъга риоя этилган. Умуман, сажъ услубига кўра сўз, жумла ёки унинг қисми мувофиқ бўлиши, ҳар бири маъноли бўлиши, ундаги бир қисм бошқа қисмни такрорламаслиги, балки бошқа маънони билдириши лозим. Қуръондаги сажъ услубининг моҳияти бу жумла ёки унинг қофия қисми маъно-мазмунга тобе бўлиши ҳамда маъно-мазмуннинг қофияга тобе бўлмаслигидир. Маълумки, арабларда қофияни келтириш мақсадида маънога эътибор бермаслик кенг тарқалган. «Ар-Раҳмон» сурасида барча оятлар фосиласи сажъ услубида бўлиб, «Кимки Аллоҳдан қўрқса, унга икки жаннатдир» жумласи келган.

«Парвардигори (ҳузурида) туришдан (сўралишдан) қўрққан киши учун икки жаннат (боғи) бордир... (У икки жаннат боғи қалин) шох-новдаларга эгадир» (Ар-Раҳмон, 46,48). Ушбу иккилик қўшимчаси «ани» бўлиб, «икки жаннат» сўзи қофия учун келган, аслида бир жаннат назарда тутилган, деган қараш ҳам мавжуд. Бошқа олимлар эса, «икки жаннат», юқорида инс ва жинлар зикр этилгани учунлиги, яъни инс зотига ҳам жаннат, жин зотига ҳам жаннат берилиши назарда тутилгани учун иккилик сонда келганини таъкидлаганлар.

Олимлар томонидан Қуръондаги сажъ, фосила услублари бўйича изланишлар олиб борилган. Унга кўра сажъ икки хил бўлади. Бири бир хил ҳарфлар билан яқунланади:

«То, ҳо. (Эй, Муҳаммад!) Биз Сизга бу Қуръонни (дин ишида) машаққат чекишингиз учун эмас, балки (Аллоҳдан) қўрқадиган кишилар учун эслатма сифатида нозил қилдик» (Тоҳо, 1–3).

«Қасамёд этаман Тур (тоғи) билан, битилган Китоб (Қуръон) биланки» (Тур, 1–2). Иккинчи тури эса, бир-бирига яқин ҳарфлар билан яқунланишидир. Бир-бирига яқин ҳарфлар бу «мим» ва «нун», «дол» ва «ба»лардир:

«(У) Мехрибон, Раҳмли ва жазо (ва мукофот) кунининг (қиёмат кунининг) эгасидир» (Фотиҳа, 2–3).

«Қоф. Улуғ Қуръон билан қасамёд этаман! Ҳа, уларга (фаришта ўрнига) ўзларидан бўлмиш бир огоҳлантирувчи (пайғамбар) келганидан ажабландилар. Шунда кофирлар айтдилар: «Бу жуда қизиқ нарса-ку! Бизлар ўлиб, тупроққа айланганимизда (яна тириламизми)?! Бу жуда узок (ақлга сиғмас) қайтишдир» (Қоф, 1–3).

Шунингдек, олимлар «сажъ» услубини Қуръонга мансуб қилишдан эҳтиёт бўлиб, унинг ўрнига «фосила» сўзини қўллаганлар. Аслида «сажъ» маънога ҳам тобе бўлиши мумкин, айнан шу кўринишда Қуръонда акс этган.

Савол ва жавоб тарзида баён этиш услуби ҳам Қуръонда кенг қўлланилган услублардандир. Шу билан бирга, Қуръондаги калом тааммул ва тафаккурга йўналтиришга, баъзан танбеҳга, мухтасарлик, мўъжазликка асосланилади. «Эсланг, (эй Муҳаммад!) Раббингиз фаришталарга: «Мен Ерда халифа (Одам) яратмоқчиман», – деганида, (улар) айтдилар: «Унда (Ерда) бузғунчилик қиладиган, (ноҳақ равишда) қонлар тўқадиган кимсани яратмоқчимисан? Ҳолбуки, биз Сенга ҳамдинг билан тасбеҳлар айтамыз ва Сени муқаддас деб биламыз. (Аллоҳ) айтди: «Албатта, Мен сизлар билмаган нарсаларни билурман» (Бақара, 30). «Аллоҳ (охиратда) пайғамбарларни йиғиб, «(Умбатингиздан) қандай жавоб олдингиз?» – деб сўрайдиган Куни (улар): «Бизда илм йўқ. Фақат Сен Ўзинг ғойиб (нарсаларнинг алломасидирсан», – дейдилар» (Моида, 109).

Қуръонда масаллар келтириш услуби ўзига хос ва кенг қўлланилган услублардандир. Масал «ўхшатиш» маъносини билдириб, қиссадан фарқ қилади. Масалда зикр этилаётган воқеа ёки

ўхшатишнинг ҳақиқатан содир бўлиши шарт эмас. Қиссада эса, ўша воқеа-ҳодисанинг содир бўлиши шарт. Масал Қуръондаги ўзига хос услублардан бўлиб, баён этишда ўхшатишлар орқали тасвирлаш, бундан кишилар маълум маънони осонроқ тушуниб олишлари учун фойдаланилади. Зарбулмасал орқали маъно ва мазмунни етказиш араблар учун таниш услуб бўлган. Қуръонда зарбулмасал услубининг қўлланиши кейинги давр адабиётида алоҳида жанр юзага келишига тўртки бўлган. Бу услуб қисқача жумлалар билан кенг маъно касб этиш мақсадида амалга оширилиб, панду насихат учун ишлатилади. «Молларини Аллоҳ ризолигини истаб, самимий дилларидан чиқариб сарф қиладиган кишилар адирдаги бокқа ўхшар: унга жала қуйгач, ҳосилини икки баробар етиштирар. Агар унга жала ёлмаган бўлса, томчилаб ёққан ёмғир ҳам (ўзига яраша ундирар)» (Бақара, 265). «Эй имон келтирганлар! Молини одамлар кўрсин деб берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, (берган) садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг! У (риёкор) устини тупроқ қоплаган силлиқ қояга ўхшайди; устига жала ёққанда, (тупроқ ювилиб,) сип-силлиқ тошнинг ўзини қолдиради» (Бақара, 264). «Ҳақиқий дуо фақат Унга (қилинур). Ундан ўзга дуо қилаётган (бут)лари эса, уларнинг бирорта дуосини мустажоб қилмас. Илло, улар кафтларини сувга чўзиб, у сув оғзига етишини кутиб турган бир кимсага ўхшайдилар. Ҳолбуки, у (сув) унинг оғзига етувчи эмасдир. Кофирларнинг дуолари мутлақо зоедир» (Раъд, 14).

Аллоҳнинг мавжудлигини баён этишдаги услуб [5:252–256]. Яъни Аллоҳ барча махлуқот ва мавжудотларни яратувчилигини имон келтирмаётган кишиларга далил қилиб кўрсатилиши. «Қасамки, Биз инсонни (Одамни) лойнинг сарасидан яратдик. Сўнгра уни (инсон наслини, аввало) мустаҳкам қароргоҳ (бачадон) даги маний қилдик. Сўнгра (бу) манийни лахта қон қилиб яратдик, бас, лахта қонни парча гўшт қилиб яратдик, бас, парча гўштни суяклар қилиб яратиб, (бу) суякларга гўшт қопладик, сўнгра (унга жон киритиб, олдинги ҳолидан бутунлай) бошқача бир вужудни пайдо қилдик. Яратувчиларнинг энг гўзали – Аллоҳ баракотлидир! Сўнгра, албатта, сизлар (эй инсонлар!) Мана шундан кейин, албатта, вафот этувчидирсиз. Сўнгра сизлар, албатта, қиёмат куни қайта тирилурсиз» (Муъминун, 12–16).

Маккий ва маданий сура ва оятлардаги баён услуби ҳам бир-биридан фарқли жиҳатларга эга: 1) маккий сура ва оятлар аксарият ҳолларда қисқалик хусусиятига эга. Яъни, суралар қисқа, оятлар ҳам қисқа сўзлардан таркиб топади; 2) маккий сураларда таъкид, қасам, масалларни келтириш кўп учрайди; 3) маккий сура ва оятларда қиёмат куни, жаннат ва дўзах кабилар кенгроқ тасвирланади.

Маданий сура ва оятлар қуйидаги хусусиятларга эга: 1) маданий сура ва оятлар узунроқ; 2) ушбу суралар ва оятлар баёнидаги услуб босиқлик, юмшоқлик билан ифодаланади. Яъни, маккийларидан фарқли оятларнинг бўлиниши кўп учрамайди, жумлалар узунроқ тузилади.

Қуръонда такрор келган оятлар борасида ўрта асрлардаги манбаларда маълумотлар мавжуд эмас. Ҳозирги даврда бу борада тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жами Қуръонда такрор келган оятлар сони 98 тани ташкил этиб, 65 сурада 280 марта зикр этилган. Оятларнинг такрорланиши икки турга бўлинади. Бири бир суранинг ўзида бир оятнинг такрорланиши, иккинчиси жами Қуръон бўйича бир оятнинг такрорланишидир. Бир суранинг ўзида бир оятнинг такрорланиши 24 оятга тегишли бўлиб, улар 106 марта такрорланган. Аксарият оятлар сурада икки маротаба такрорланган бўлса, қуйидаги оятлар бошқаларига нисбатан кўпроқ такрорланган: «Албатта, бунда аломат бордир. (Лекин) уларнинг кўплари имон келтирувчи бўлмадилар» (Шуаро, 8). Ушбу оят 6 бора «Шуаро» сурасида 8, 67, 103, 121, 174, 190-оятларида келган. «Раббингиз эса, У Қудратли ва Раҳмидир» (Шуаро, 9). Ушбу оят 8 бора «Шуаро» сурасида 9, 68, 104, 122, 140, 159, 175, 191-оятларида келган. «Албатта, мен сизларга юборилган ишончли пайғамбардирман!» (Шуаро, 107). Ушбу оят «Шуаро» сурасида 107, 125, 143, 162, 178-оятларида 5 марта келган. «Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва менга (Аллоҳнинг динига чақирганимда) итоат этингиз!» (Шуаро, 108). Ушбу оят «Шуаро» сурасида 8 марта келган, оят рақамлари: 108, 110, 126, 131, 144, 150, 163, 179. «Мен сизлардан бу (даъватим) учун мукофот сўрамайман. Менинг мукофотим фақат оламларнинг Парвардигори зиммасидадир» (Шуаро, 109). Ушбу оят 5 маротаба «Шуаро» сурасининг 109, 127, 145, 164, 180-оятларида такрор келган. «Илло, Аллоҳнинг шундай (куфр ва ширкдан) дили пок бандалари бордирки,» (Соффот, 40). Ушбу оят 4 маротаба «Соффот» сурасининг 40, 74, 128,

160-оятларида келган. «Кейинги (авлод)лар орасида у ҳақда (мақтовлар) қолдирдик» (Соффот, 78). Ушбу оят 3 маротаба «Соффот» сурасининг 78, 108, 129-оятларида келган. «Дарҳақиқат, у Бизнинг мўмин бандаларимиздандир» (Соффот, 81). Ушбу оят «Соффот» сурасининг 81, 111, 132-оятларида келган. «Бас, Менинг азобим ва огоҳлантиришларим қандай экан?!» (Қамар, 16). Ушбу оят «Қамар» сурасининг 16, 21, 30-оятларида зикр этилган. «Ҳақиқатан, Биз Қуръонни зикр (эслатма) учун осон қилиб қўйдик. Бас, эслатма олувчи борми?!» (Қамар, 17). Ушбу оят 4 марта «Қамар» сурасининг 17, 22, 32, 40-оятларида зикр этилган. «Бас, (эй инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!» (Ар-Раҳмон, 13). Ушбу оят Қуръонда энг кўп зикр этилган оят саналади. У «ар-Раҳмон» сурасида 31 маротаба зикр этилган. Оят рақамлари: 13, 16, 18, 21, 23, 25, 28, 30, 32, 34, 36, 38, 40, 42, 45, 47, 49, 51, 53, 55, 57, 59, 61, 63, 65, 67, 69, 71, 71, 75, 77.

Бир оятнинг Қуръоннинг бир сурадан ташқарида, турли ўринларда зикр этилиши 71 оятга тегишли. Икки мартадан кўп такрорланган оятлар қуйидагилардир: «Агар ростгўй бўлсангиз, бу ваъда (азоб) қачон (бўлади)?» дейдилар» (Юнус, 48). Ушбу оят Юнус, 48; Анбиё, 38; Намл, 71; Сабаъ, 29; Ёсин, 48; Мулк, 25 оятларида 6 марта зикр этилган. «Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай тақдирлаймиз» (Соффот, 80). Ушбу оят Соффот, 80; Соффот, 121; Соффот, 131; Мурсалот, 44 оятларида тўрт бора келган. «(Бу Китоб) Азиз (қудратли) ва Ҳаким (ҳикматли) – Аллоҳ (томони) дан нозил қилингандир» (Зумар, 1). Ушбу оят 3 бора – Зумар, 1; Жосия, 2; Аҳқоф, 2 оятларида зикр этилган. «Бас, (эй, Муҳаммад!) Улуғ Раббингиз номини (поклаб) тасбеҳ айтинг!» (Воқеа, 74). Ушбу оят 3 бора – Воқеа, 74; Воқеа, 96; Ҳоққа, 52 оятларида келган. «У кунда (ҳаётлик вақтларида қиёматни) инкор этувчилар ҳолига вой!» (Мурсалот, 15). Ушбу оят 11 бора – Мурсалот, 15, 19, 24, 28, 34, 37, 40, 45, 47, 49; Мутаффиун, 10-оятларида келган [1:128–130]. Юқоридаги оятлар кўпроқ такрорланган оятлар бўлиб, аксарият оятлар икки мартадан такрорланган.

Шундай қилиб, Қуръонда баён услуби бой бўлиб, унда турли йўналишларда маъноларни ифода-лаш услублари юқорида кўриб чиқилди. Ушбу услублар Қуръонни теран англаш, унинг маъно-ларини тушунишда, тўғри йўналишдан оғмаслик-

да муҳим ўрин тутди. Шунингдек, мазкур йўналишдаги тадқиқотларни бойитиш ҳам муқаддас манба бўлиши Қуръонни шарҳлаш ва тушунишга хизмат қилиши юзасидан аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Лайс Самарқандий. Абу Лайс тафсири. Баҳру-л-удум / Али Муҳаммад Муавваз, Одил Аҳмад Абдулмавжуд, Закариё Абдулмажид Нутий таҳрири остида. 3 жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб илмия, 1993. – Б. 128-130.

2. Али ибн Аҳмад Найсабурий. Оятларнинг нозил бўлиш сабаблари. // таржимон А. Турсунов. – Т: Мовароуннаҳр, 2009. – 568 б.;

3. Муҳаммад ибн Лутфий Саббоғ. Ламаҳот фи улумил-Қуръон ва иттижоҳот ат-тафсир. Байрут: Мактаб исломий, 1990. – Б. 165-170.

4. Муҳаммад Ҳусайн Заҳабий. Ат-Тафсир ва ал-муфассирун. – Қоҳира: Мактаба ваҳаба, 2003. – Б. 55-57.

5. Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари. – Т: Тошкент ислом университети, 2003. – 468 б.

Abdurashid ABDULLAYEV,

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi «Islom fanlari»
kafedrasi mudiri,
tarix fanlari nomzodi, dotsent*

